

ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ

ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ

ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ХУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

3
2022

FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ u ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

| | | |
|---|---|-----|
| Нурматова У.Ж. | <i>Мутолаа -ўз-ўзини ташиқлаштирувчи синергетик феномен сифатида</i> | 104 |
| Шукурова Н.Х. | <i>Ёшларни оммавий маданият таҳдидларидан асрашнинг маънавий омиллари</i> | 108 |
| Исроилова Ш. | <i>Адолат тушунчасининг ахлоқий ва ҳуқуқий хусусиятлари</i> | 112 |
| Каримова Н. | <i>Ёш оилаларда ажралишларни социологик таҳлил қилишнинг назарий асослари</i> | 115 |
| Эшбеков Б. | <i>Фалсафий тафқур ривожда оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятлари</i> | 121 |
| Shukurov A.Sh. | <i>Artur Krokerning jamiyat hayoti virtuallashuviga oid texnosentrik modelning ijtimoiy-ontologik tahlili</i> | 125 |
| Курбанов Э.Э. | <i>Давлат институти ва демократия ўртасидаги ўзаро алоқаликнинг замонавий институтционал асослари</i> | 128 |
| Зантов Э.Х., Тешаев Д.М. | <i>Оиланинг ижтимоий параметрлари</i> | 134 |
| Маматов М. | <i>Маънавиятнинг ижтимоий омилларини оптималлаштириш – давр талаби</i> | 137 |
| Қдырбаев Қ. | <i>Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш гоёсининг фалсафий-ҳуқуқий асослари</i> | 140 |
| Ҳакимова М.А., Мамадаминова Б.А. | <i>Янгиланаётган Ўзбекистон ва ёшлар маънавиятини такомиллаштириш масалалари</i> | 143 |
| Мамадаминова Б. | <i>Хоразмда ҳўжалик қурилиши ва аграр соҳадаги ўзгаришлар (1920-1924) й.</i> | 147 |
| Рахмонбердиева Н., Куйлиев Т. | <i>Массовая культура и информационно-психологическая безопасность в современном процессе</i> | 150 |
| Аллаярова З.Б. | <i>Янги Ўзбекистонда ёшлар маънавиятини шакллантиришда алишер навоий асарларининг роли.</i> | 154 |
| Absobirov S. | <i>Raqamli jamiyat tushunchasi va uning o'ziga xos xususiyatlari</i> | 158 |
| Назаров Қ. | <i>Мафқуравий фаолият ва гоёларнинг амалга ошириш жараёни</i> | 162 |
| Mardonova F. | <i>Abdurahmon Jomiyning ijtimoiy-falsafiy qarashlari</i> | 166 |
| Нишонов Н.Р. | <i>Аёлнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи</i> | 170 |
| Алимухамедова Н.Я. | <i>Миллат мураккаб ижтимоий тизим сифатида</i> | 173 |
| Исламходжаева М.А. | <i>Меры профилактики и предупреждения преступности против молодежи</i> | 178 |
| Ахмедов Ж.И. | <i>Ижро ҳоқимияти легитимлигини таъминлашнинг сиёсий технологиялари</i> | 181 |
| Соқиев Х.В. | <i>Шахс идентиклигини ўрганишнинг замонавий тенденциялари</i> | 186 |

**ХОРАЗМДА ХЎЖАЛИК ҚУРИЛИШИ ВА АГРАР СОҲАДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР (1920-1924) Й.**

Мамадаминова Б. -
ТИҚХММИ МГУ в.б. доценти

Бутун Хоразм халқ вакилларининг I қурултойида (1920 йил 27-30 апрель) Зироат халқ нозирлиги (Қишлоқ хўжалиги халқ нозирлиги) ташкил қилинди ва унга ёш республикада ер-сув ишлари билан шуғулланиш вазифаси юклатилди. ХХСР Зироат халқ нозирлиги лавозимига Ҳаким Бобожонов сайланди. Бундан ташқари ушбу қурултойда Муҳаммадпанобой Абдуллаев Молия халқ нозирлиги лавозимини (Матпанобой Мадраҳимов ўрнига) ҳам эгаллади.[1]

ХХСР Зироат халқ нозирлиги дастлаб хон ва унинг амалдорлари, йирик ер эгаларига қарашли ер-мулклар, тўқай ва кўллар, меҳнат қуролилари ва иш ҳайвонлари ҳамда уруғлик донни мусодара қилиб (ҳужжатда национализация қилинади, деб ёзилган), уларни қизил армия оилаларига, ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тақсимлаб берди. 1920 йил апрел – 1921 йил март ойларида бу нозирлик давлат ғазнасига 2 млн. сўм даромад туширди.[2]

1920–1921 йиллар давомида ХХСРда мусодара қилинган ерлар ҳисобига камбағал деҳқонлар, қароллар (батрақлар), беватанлар, қорандалар ва вақфчиларга 10000 десятина ер бўлиб берилди. Шунингдек, уларга қишлоқ хўжалик асбоб ускуналари, уруғлик, чорва моллари, уй-жой ва бошқа нарсалар ҳам берилди.[3]

1921 йил 4–11 декабрда Хива шаҳрида бўлиб ўтган ерсиз ва кам ерлик деҳқонларнинг биринчи қурултойи уларни ер-сув, иш ҳайвонлари, меҳнат қуролилари, уруғлик дон, ссуда билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Қурултойда озик-овқат солиғи, ерсиз ва кам ерли деҳқонлар иттифоқининг асосий масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги банки ташкил қилиш масаласи ҳам кўрилди. Ушбу банкнинг асосий вазифаси ерсиз ва кам ерлик деҳқонларга қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, иш ҳайвонлари, уруғлик ва бошқа нарсалар олиши учун қисқа муддатли қарз беришни ташкил қилишдан иборат эди [4].

1920-1921 йилларда ХХСРда аграр соҳада дастлабки ўзгаришлар амалга оширилиб, 10000 десятина ер деҳқонларга бўлиб берилди. Бундан ташқари уларга уруғ, деҳқончилик асбоблари ҳамда ссуда (қарз) ажратилди. Деҳқонларга кредит ҳисобидан 5000 чорва мол сотилди. Эски суғориш иншоотларини қайта тиклаш билан бирга янгилари ҳам қурилди. Масалан, 1922 йил охиригача Хоразм деҳқонлари Ҳазораспдан Хўжайлигача бўлган ҳудудда 12 та дамба қурдилар. 1922 йилда чорикор ва камбағалларга ер бўлиб бериш учун давлат ер фонди тузишга ҳамда деҳқонларга узоқ муддатли ва қайтариб олинмайдиган ссудалар бериш учун давлат деҳқонлар банкни таъсис этишга қарор қилинди. Банкка 3 млрд. сўм маблағ ажратилган. Хуллас, 1921–1922 йилларда 400000 танобдан ортиқроқ ер камбағал деҳқонларга берилди [5].

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)нинг эълон қилиниши билан ХХСРда қарвонсаройлар, қорхоналар, кўллар ва тўқайлар ижарага берилди бошланди. Телефон симлари тортилиб, дарё кемачилигини тиклашга киришилган. Бир қанча йирик кўприқлар қурилди. Пахта майдонларининг ҳудуди 1921 йилдаги 10000 танобдан 1924 йилда 85000 танобга, ҳосилдорлик 100000 пулдан 800000 пудга кўтарилди. Умумий экин майдонлари 1913 йилдаги даражанинг 62%ини, ҳосилдорлик 70–75%ни ташкил қилди. 1924 йилга келиб, 6 та пахта тозалаш заводи, 10 та ғишт заводи, ёғ заводи, босмаҳона, электростанция тиклашди, қоғоз ва шиша заводлари қурилди. Саноатда давлат сектори устувор мавқени эгаллади [6].

Бутунхоразм халқ вакилларининг II қурултойи (1921 йил 15-23 май)да қонун чиқарувчи олий орган – ХХСР Марказий Ижроия Қўмитаси (раиси – Муҳаммадрайим Оллоберганов) ва ижро қилувчи орган – ХХСР Халқ Нозирлар Шўроси (раиси – қорақалпоқ Менглихўжа Ибниязминов) ташкил қилинди. Қурултойда Ёш хивалиқлар ҳукуматининг сиёсати халққа қарши қаратилган сиёсат эди, деб қораланди. Бу қурултойда янги қабул қилинган ХХСР Конституцияси матнига Туркистон комиссиясининг тазйиқи билан кўплаб моддалар мажбуран тикиштирилди. Хоразмликларнинг сайлов ҳуқуқлари анча чекланди. Бироқ қурултойда миллий масалага катта эътибор қаратилди. ХХСР МИК ҳузурида туркманлар бўлими ва қозоқлар бюроси ташкил қилинди.

1922 йил 5 январда Хива шаҳрида республикада биринчи марта истеъмол ширкатлари ташкил қилинди. Унга ХХСР ҳукумати томонидан 400 минг олтин ақча миқдоридagi маблағ қайтариб бермаслик шарти билан ажратилди [7]. Шунингдек, кооперация уюшмаларини ривожлантиришда ерсиз ва кам ерлик деҳқонларнинг 1922 йил декабрда бўлиб ўтган II қурултойи алоҳида аҳамият касб этди. Қурултой ерсиз ва кам ерлик деҳқонлар вакилларининг ҳукуматдан 500 млн. сўм маблағ ажратиш ҳақидаги илтимосини

яқдиллик билан кўлаб-қувватлади. Шундан сўнг республикада қисқа вақт ичида 8 жойда истеъмол ширкатлари вужудга келди ва Хива шаҳрида унинг марказий бошқармаси ташкил қилинди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши томонидан ташкил қилинган Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки Хоразмдаги кооператив ҳаракатни жонлантириб юборди. 1923–1924 йилларда кооператив истеъмол ширкатлари томонидан пахта етиштиришдан ташқари яна 16000 пуд арпа ва дуккакли экинлар, 90000 дона қорақўл тери, 25000 дона ҳайвон терилари, 30000 пуд буғдой, 90050 пуд шоли, 16000 пуд кунжут ва зиғир ёғи каби хом ашё маҳсулотлари тайёрлашга муваффақ бўлинди [8].

Камқувват деҳқон хўжалиқларининг иқтисодий аҳволини кўтаришда 1923 йил 19 февралда ташкил қилинган Россия–Хоразм давлат пахтачилик ширкатининг аҳамияти катта бўлди. Россия Бош пахтачилик кўмитаси ва Хоразм Иқтисодий Кенгаши ташкилотлари бу кооперативнинг асосчилари эдилар. Ушбу кооператив ширкатларнинг 500000 сўм миқдорда (олтин ҳисобида) маблағи бўлиб, Хива, Ҳазорасп, Гурлан, Тошҳовуз, Манғит ва Хонқада унинг алоҳида бўлимлари мавжуд эди. Республиканинг ушбу туманлари ва шаҳарларида йиғилган пахтани қайта ишлаш мақсадида олти пахта тозалаш заводлари ва пунктлари қурилди ҳамда ишга туширилди.

Бироқ Россия пахта ширкатлари деҳқонлардан олинадиган пахта харид нарҳини пасайтириб юборди. ХХСР МИКнинг биринчи котиби, Хорижия ноziри, Хоразм пахта ширкатининг бошлиғи Ҳаниф Каниев ва ХХСР Савдо ва саноат ноziри Муҳаммадраҳим Нуруллаев пахтанинг харид нарҳини кўтариш ва шу асосда деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида пахта савдосида эркин нарҳни, яъни янги иқтисодий сиёсат асосида савдо юритишни талаб қилдилар. Лекин Марказнинг ХХСРдаги ваколатли эмиссарлари кўрсатмаси билан Ҳ.Каниев ва М.Нуруллаев “халқ душмани” сифатида айбланди ва ўлим жазосига ҳукм қилинди. Улар билан бирга ишлаган кўлаб маҳаллий ходимлар ҳам турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар [9].

ХХСРдаги мавжуд саноат корхоналари, маҳаллий устахоналар ва хунармандчилик корхоналари ҳам қизил армиянинг ҳужуми ва мухалифат уруши натижасида издан чиққан эди. 1920 йил сентябр–октябрда маҳаллий саноат корхоналари (улар асосан хунармандчилик устахоналари эди) билан биргаликда россиялик капиталистларга қарашли бўлган корхоналар ҳам большевиклар томонидан национализация қилиниб, саноат соҳасида давлат сектори шакллантирилди. Давлат секторига ўтказилган саноат корхоналари зиммасига Урганч шаҳридаги “Ярославл катта мануфактураси” пахта тозалаш заводи, Тошҳовуз, Манғит, Янги Урганч, Гурлан пахта тозалаш заводлари кирарди [10].

1923 йилга келиб, давлат тасарруфига олинган корхоналардан 6 пахта заводи, 4 тери заводи, 10 ғишт заводи ва ёғ заводи тикланиб, ишга туширилди. Шунингдек, бу даврга келиб, маҳаллий хунармандчилик устахоналари ҳам ривожлана бошлади. Биргина Хива шаҳрида 1923 йилда 120 га яқин темирчилик устахонаси, 131 дурадгорлик устахонаси, 50 бўёқчилик ҳамда 136 терини қайта ишлаш кичик корхоналари фаолият кўрсатиб, уларда 2058 хунарманд иш билан таъминланган эди [11]. Бироқ бу корхоналар Хоразм Республикаси эҳтиёжларини қондира олмас, борлари ҳам Россия корхоналари учун хом ашё тайёрлаб беришга ихтисослаштирилган эди.

Марказдан юборилган бошқарув сиёсати Хоразм пахтачилигига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, Хоразм Иқтисодий Кенгаши қарори билан 1921 йил 15 июнда унинг ҳузурида Пахтачилик кўмитаси ташкил қилинди. Кўмитанинг таркибий қисми қуйидагича бўлган: а) иш юритиш бўлими б) кооперация бўлими в) техника бўлими [12].

Пахтачилик кўмитаси 1921 йилда Хонқа, Манғит, Гурлан, Тошҳовуз, Хўжайли, Ғозобод (Ғазавот) ва Янги Урганчда ўзининг пахта қабул қилиш пунктларини очган. 1921 йил сентябрь ойида кўмита вазифасидан келиб чиқиб, Янги Урганчдаги Мануиловга тегишли пахта тозалаш заводи таъмир қилиниб, ишга туширилган [13].

Умуман олганда, пахтачилик Хоразм халқ хўжалигида асосий тармоқлардан бири бўлиб, Хоразм пахтаси Фарғона водийсида етиштирилган пахта толасидан ўзининг тозалиги ва толасининг ингичкалиги билан ажралиб турган.

Большевиклар юритган сиёсатнинг моҳияти шундан иборат бўлганки, СССРнинг марказий районлари саноат маҳсулотларини тайёрловчи Ўрта Осиё республикалари эса хом ашёни етказиб берувчи минтақа эди. Шунга айтиб ўтиш керакки, пахтачилик Хоразмда нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамият касб этган. Бироқ экин майдонларининг кўпайиши қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ҳам сабаб бўлган. Шунинг учун Хоразм деҳқонларини чўчитмаслик мақсадида дастлаб эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш керак бўлган. Чунки пахта майдонларининг кўпайиши аслида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигини келтириб чиқарарди. Кўпчилик бу нарсани дарров моҳиятига тушуниб етмаган. Шу мақсадда пахтачилик билан шуғулланган деҳқонларга имтиёз берилиб, улар биринчи навбатда турли солиқлардан

озод қилинган, иккинчидан, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Шу орқали деҳқонлар ўз хўжалиklarини тиклаб олганлар.

Республика йилларида ХХСРда хўжалик қурилиши соҳасида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Аграр соҳада катта ишлар амалга оширилди. Хонликда мавжуд бўлган суғориш тармоқлари реконструкция қилинди. Янги ариқлар қазилди ва кўприклар қурилди. Хон хонадони ва бадавлат кишиларга қарашли бўлган ер-мулк мусодара қилиниб, камбағал ва ўртаҳол деҳқонларга берилди. Хоразмда ҳам ер-сув ислохотининг биринчи босқичи ўтказилди. Пахтачиликда муайян ютуқларга эришилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. *Ражабов Қ.* Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Тошкент: “Шарқ”, 2001. –Б.186-187.
2. Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 107-варақ.
3. Хоразм тарихи. II жилд. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. –Урганч: “Хоразм”, 1997. –Б.45.
4. Жизнь национальностей (Москва), 1922, №4, с.11-12.
5. Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 18-иш, 24-варақ.
6. *Ражабов Қ.* Хоразм Халқ Совет Республикаси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 9. Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2005. Б. 483–485.
7. Ўзбекистон МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 180-варақ.
8. Ўзбекистон МДА, 2027-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 184-варақ.
9. “Инқилоб кўёши”, 1922 йил 19 апрель.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Б. 225.
11. Экономическая история советского Узбекистана (1917-1965 гг.). –Ташкент: 1966. –С.72.
12. Ўзбекистон МДА, 73-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 33-варақ.
13. Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1920-1924 й.). – Тошкент: “Yangi nashr”, 2015. – Б. 93.

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада 1920-1924 йилларда Хоразм Халқ Совет Республикасида хўжалик қурилиши ва аграр соҳадаги ўзгаришлар ҳақида сўз боради. Хива хонлиги қизил армия томонидан тугатилгач, 1920 йил бошларида ХХСР ташкил қилинган эди. ХХСРда иқтисодий сиёсат ва хўжалик соҳасидаги ислохотлар зиддиятли тарзда кечди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши томонидан ташкил қилинган Ўрта Осиё кишлок хўжалик банки Хоразмдаги кооператив ҳаракатни жонлантириб юборди.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши, Хоразм Иқтисодий Кенгаши, Пахтачилик қўмитаси, Зироат халқ нозирлиги, кишлок хўжалиги, қурултой, деҳқон хўжаликлари.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассказывается о строительстве экономики и изменениях в аграрном секторе Хорезмской Народной Советской Республики в 1920-1924 гг. После упразднения Хивинского ханства Красной Армией в начале 1920 г. был образован СССР. Реформы в области экономической политики и хозяйства в СССР носили противоречивый характер. Среднеазиатский сельскохозяйственный банк, учрежденный Среднеазиатским экономическим советом, возродил кооперативное движение в Хорезме.

Ключевые слова: Среднеазиатский экономический совет, Хорезмский экономический совет, Хлопковый комитет, Народная инспекция сельского хозяйства, сельское хозяйство, курултай, крестьянские хозяйства.

RESUME:

This article talks about farm construction and changes in the agrarian sector in the Khorezm People's Soviet Republic in 1920-1924. After the Khiva Khanate was abolished by the Red Army, Khorezm People's Soviet Republic was established in early 1920. Reforms in the field of economic policy and economy in the USSR were controversial. The Central Asian Agricultural Bank, established by the Central Asian Economic Council, revived the cooperative movement in Khorezm.

Key words: Central Asian Economic Council, Khorezm Economic Council, Cotton Committee, People's Ministry of Agriculture, agriculture, congress, farms